

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Самдуректори

проф.

*Халмуродов*

Р.И.Халмурадов

2022 йил

06.01.08- ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ТАЯНЧ  
ДОКТОРАНТУРАГА  
КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС ИХТИСОСЛИК  
ФАНЛАРИДАН

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

САМАРҚАНД - 2022

Дастур 5411300-Усимлиқшунослик (экинлар гурухдари бўйича),  
5410200 - Агрономия (дехқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) таълим  
йўналиши учун тасдиқланган ўкув режасидаги фанлари ўкув дастури асосида  
тузилди.

**Тузувчи**

М.К. Абдурахимов

*М. Абдурахимов*

СамДУ, Тупрокшунослик ва  
агротехнология кафедраси  
профессори, к-х.ф.д.

Дастур Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги  
факультетининг 2022 йил 23 июндаги № 12 сонли Кенгаш йиғилишида  
муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган

## **К И Р И Ш**

Ушбу дастур дала экинларининг аҳамияти, тарқалиши, келиб чиқиши, экин майдони, ҳосилдорлиги, систематикаси, морфологияси, биологияси, ривожланиш даврлари ҳамда етиштириш технологияси каби бўлимларни ўз ичига олган. Фаннинг ривожланиши, истиқболи ва республикамиздаги иқтисодий ислоҳатлар билан боғлиқлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фаннинг аҳамиятини қамрайди.

### **Фан бўйича таянч докторантурага «06.01.08-Ўсимликшунослик” кириш имтихонларини топширувчиларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

Фан бўйича таянч докторантурага «06.01.08-Ўсимликшунослик” ихтисослигига кириш имтихонларини топширувчилар:

- дала экинларининг биологиясини шаклланиш шароитини, экинларни фотосинтетик фаолиятини; дала экинларининг интенсив усулда етиштириш технологияларини **билиши керак**;

- таянч докторантлар дала тажрибаларини олиб борища дала экинларини етиштиришда муқобил навни танлаш; ўтмишдош экинларни танлаш; ерни экиш учун тайёрлаш; минерал ўғитларни экинлар учун танлаш; туманлаштирилган экин навларини; дала экинларини ҳосилини аниқлаш; экинларни суғориш усуллар ва меъёрини аниқлаш, қишлоқ хўжалик машиналаридан ва гербицидлардан фойдаланиш ва қўллай олиш, ҳамда ҳосилни йиғиштириб олиш юзасидан **кўникмаларга эга бўлиши керак**.

- ривожланиши бўйича экинларни ҳолатига баҳо бериш; муқобил навни танлашни; ўтмишдош экинларни танлашни; ерни экиш учун тайёрлаш; минерал ўғитларни экинлар учун танлашни; туманлаштирилган экин навларини; дала экинларини ҳосилини аниқлаш; экинларни суғориш усулларини ва меъёрини аниқлашни, қишлоқ хўжалик машиналаридан ва гербицидлардан фойдаланиш бўйича технологик картани ишлаб чиқиш **малакаларига эга бўлиши керак**

## **Асосий қисм**

### **Ўсимлиқшунослик фанининг халқ хўжалигидаги аҳамияти**

Ўсимлиқшунослик фанини қишлоқ хўжалигига тутган ўрни, бошқа йўналишлар билан боғлиқлиги, асосий тармоғи бўлиб аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулоти, чорва учун ем-хашак, енгил саноатга ҳом ашё етказиб бериши.

### **Дала экинларининг аҳамияти, гуруҳлари**

Дала экинлари орасида инсонга зарур бўлган маҳсулотни етиштириш учун ҳар хил экинлар экилмоқда. Экинларнинг биологик хусусиятини келиб чиқиши, тупроқ - иқлим шароити билан боғлиқлиги, Н.И. Вавилов ва бошқа олимлар томонидан аниқланган 12 та келиб чиқиш марказлари, шунингдек бу ўсимликларни гуруҳларга бўлиниш.

### **Донли экинларнинг аҳамияти, биологияси, етиштириш**

#### **технологияси**

Дон экинларининг умумий тавсифи, аҳамияти, келиб чиқиш тарихи, биологияси, учта биологик гуруҳга бўлиниши (ҳақиқий, тариқсимон ва дон - дуккакли экинлар), систематикаси, авлодлар, турларининг асосий белгилари, вакиллари.

### **Буғдой - аҳамияти, биологияси етиштириш технологияси**

Буғдой аҳамияти, тарихи, экин майдони, ҳосилдорлиги. Систематикаси, биологик хусусияти, ривожланиш даврлари, ташқи муҳитга бўлган талаби. Етиштириш технологияси - ўтмишдош, экиш технологияси, ўғитлаш, сугориш, ҳосилни йиғиши.

### **Маккажўхори - аҳамияти, биологияси етиштириш технологияси**

Маккажўхори - аҳамияти, тарихи, экин майдони, ҳосилдорлиги. Систематикаси, биологик хусусияти, ривожланиш даврлари, ташқи муҳитга бўлган талаби. Етиштириш технологияси-ўтмишдош, ерни экишга тайёрлаш, парваришлаш, ҳосилни йиғиши.

### **Шоли - аҳамияти, биологияси етиштириш технологияси**

Шоли - аҳамияти, тарихи, экин майдони, ҳосилдорлиги. Систематикаси, биологик хусусияти, ривожланиш даврлари, ташқи муҳитга бўлган талаби. Далани экишга тайёрлаш, сув режими, экиш, парваришлаш, ҳосилни йиғиши.

## **Дон - дуккакли экинлар - аҳамияти, биологияси**

Дон – дуккакли экинларнинг моҳияти, оқсил муаммосини ҳал қилишдаги ўрни, таркиби, асосий вакиллари, экин майдони, ҳосилдорлиги. Умумий биологияси.

## **Нўхат ва сояни аҳамияти, биологияси, етиштириш технологияси**

Нўхат ва сояни- аҳамияти, тарихи, экин майдони, ҳосилдорлиги. Систематикаси, биологик хусусияти. етиштириш технологияси –ўтмишдош, ерни экишга тайёрлаш, экиш, парваришилаш, ҳосилни йиғиши.

## **Картошка - аҳамияти, биологияси етиштириш технологияси**

Тугунакмевалилар - моҳияти, таркиби, кимёвий таркиби, тарқалиши. Картошка ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти, тарихи, экин майдони, ҳосилдорлиги. Систематикаси, биологик хусусияти, ривожланиш даврлари, ташқи муҳитга бўлган талаби. Экиладиган асосий навлари. Эртаги ва кечки картошкани етиштириш технологияси.

## **Қанд лавлаги - аҳамияти, биологияси етиштириш технологияси**

Илдизмевалилар моҳияти, озиқавий қимматлилиги, таркиби, экин майдони ҳосилдорлиги. Қанд лавлагини ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти. тарихи, экин майдони, ҳосилдорлиги. Систематикаси, биологик хусусияти, ривожланиш даврлари, ташқи муҳитга бўлган талаби. Экиладиган асосий навлари. Биологик хусусияти (қанд лавлаги ва хашаки лавлаги, хашаки сабзи). Биринчи ва иккинчи йиллардаги етиштириш технологияси.

## **Мойли экинлар, кунгабоқар - аҳамияти, биологияси етиштириш технологияси**

Мойли экинлар - ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти, тарихи, экин майдони, ҳосилдорлиги. Кунгабоқар, ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти, Систематикаси, биологик хусусияти, ривожланиш даврлари, экиладиган асосий навлари. Етиштириш технологияси.

## **Каноп, тамаки - аҳамияти, биологияси етиштириш технологияси**

Каноп, тамаки - ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти, тарихи, экин майдони, ҳосилдорлиги. Систематикаси, биологик хусусияти, ривожланиш даврлари, ташқи муҳитга бўлган талаби. Экиладиган асосий навлари. Канопни етиштириш технологияси. Тамаки- кўчат етиштириш ва далада етиштириш технологияси. Ҳосилни йигиш тартиби, сақлаш.

## **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

### **Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар**

1. Атабаева. X., Қодирхўжаев О.-Ўсимликшунослик -Т. Янги аср авлоди, 2006, 298 б.
2. Атабаева X.Н. ва бошқ. Ўсимликшунослик -Т. Мехнат, 2000, 272 б
3. Посипанов Г.С. Растениеводство. М. Колос. 1997, 448 с.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Умаров З.У., Атабаева X.Н., ва бошқалар. Нон ризқимиз. Т. Наврўз, 1994 й, 26 б.
2. Губанов Я. В., Иванов Н.Н. Озимая пшеница. М. Агропромиздат, 1988 г., 289 с.
3. Атабаева X. -Соя-Мил.энц.,2004, 6 б.т.-(монография)
4. Абдукаримов Д.Т., Хушвақтов С.Х., Умурзоқов Э.У. "Тамакичилик", Т.,"Мехнат", 1985.
5. Бўриев X.Ч., Атабаева X.Н. "Қанд лавлаги етишириш технологияси" (тавсиянома), 1999.
6. Вавилов Н.И. "Пять континентов", М., "Мисль" 1987.
7. Вавилов П.П., Посипанов Г.С. "Бобовие культуры и проблеми растительного белка", М., "Россельхозиздат", 1982.
8. Зауров Д.Э., Сборникова С. «Рисоводство», Т., "Мехнат", 1989.
9. Омонов А.Р.Бўриев.Х.Ч.Гафурова Л.А.,Нурбеков А.-Бир бошоқ дон, - Т.2004
- 10.Электрон дарслик, илмий монография, мақолалар, докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари, илмий - амалий анжуманлар, маъruzалар тўпламлари, газета ва журналлар, статистик маълумотлар тўпламлари, маъруза матнларининг электрон версияси.
17. Интернет сайтлари: <http://www.icac.org/>

[\[\\[<a href="http://www.plantprotection.com.</a>\\]\\(http://www.referat.ru</a></p></div><div data-bbox=\\)\]\(http://www.zin.ru.</a></p></div><div data-bbox=\)](http://www.referat.</a></p></div><div data-bbox=)

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ  
ДОКТОРАНТУРА ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ  
УЧУН МАХСУС ФАНЛАРДАН Даъвогарларнинг  
БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>Синов топшириш шакли</b>	Ёзма
<b>Ажратилган вақт</b>	120 дақиқа
<b>Саволлар сони</b>	5
<b>Ҳар бир савол учун белгиланган балл</b>	20
<b>Максимал балл</b>	100
<b>Ўтиш бали</b>	55